



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 18 август, № 173 (7675)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

### КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛИШИ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ОШИШINI ТАҚОЗО ЭТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди.

Жумладан, июль ва август ойларида коронавирусга қарши кураш бўйича ишлар кескин кучайтирилгани натижа-сида унга чалинганларга нисбатан соғайганлар сони анча ортгани қайд этилди. Хусусан, охириги 5 кунда тузалиб чиққанлар улуши 77 фоиздан 87 фоизга ошди. Даволанаётганлар сони 7 минг нафардан 4 мингга та-шди.

Бунинг ортида, албатта, шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди.

— Такор ва такор айтман: ҳар бир фуқаронинг соғлиги ва ҳаёти биз учун муҳим. Биз

халқимизни коронавирус бало-сидан асраб қолиш учун барча куч-имкониятларни ишга солаёلمиз, жаҳондаги энг илгор даволаш тажрибаларини олиб келаямиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳалқимиз ортиқча қийналмаслиги учун, фуқароларимизнинг муҳофазат-ларидан келиб чиқиб карантин талаблари юмшатилгани, лекин энди аҳоли жамоат ҳайолида кўпроқ бўлиши сабабли COVID-19 тарқалиши хавфи сезиларли даражада ошиши ҳам эслатиб ўтилди. Шу боис одамларга янада масъули-ятли бўлиб, ўзларини ва яқинларини вирусдан ҳимоя қилиш бўйича талаб-ларга қатъий амал қилишлари керакли-гини тушунириш, амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш лозимлиги айтилди.

— “Темир интизом” ҳамма-миз учун энг биринчи масала

бўлиб қолиши керак. Корхона-лар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва қурилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, — дея таъкидлади Президент.

Барча даражадаги ҳокимлар, сектор-лар, соғлиқни сақлаш, маҳалла, ички ишлар ва бошқа тизимлар раҳбарлари тегишли ҳудудлар ва соҳаларда коро-навирус билан боғлиқ вазиятга шахсан масъул ва жавобгар бўлишлари белгиланди.

### ХОРИЖДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август куни хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу масала Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба бундай фор-матда муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 600 — 700 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади. Иқти-содийёт тармоқлари ва ҳудуд-ларни ривожлантириш бўйича кўрилатган чоралар натижа-сида йилига 500 минггача иш ўрни яратилмоқда. Шунинг учун, қарийб 200 минг киши-нинг бандлигини таъминлаш меҳнат миграцияси орқали таъмин-лашга тўғри келмоқда. Бу та-бий жараён, барча ривожла-наётган давлатлар шундай бо-сқичдан ўтган. Қаерда меҳ-нат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оила-лар даромади, малакали мута-хассислар кўпайган.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш, шароитла-рини яхшилашга эътибор куч-айди. Россия, Қозғоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амириклари билан меҳ-нат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзо-ланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, таъмин меҳнат ми-грация масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунга қарамай, ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва

маданий қўллаб-қувватлаш ма-салалари атрофида муҳокама қилинди.

Бандлик ва меҳнат муноса-батлари вазирилик, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ва-зирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқ-лар берилди.

Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берув-чи компаниялар билан алоқа-ларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, ав-вало, ўша корхоналар талаби-га мос малакага эга ва тил би-ладиган мутахассислар тайёр-лаш зарур.

Шу боис бу борада янги ти-зим жорий этилиши белгилан-ди. Яъни ҳудудлардаги Таъки-содиёт миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хори-жий иш берувчилар билан бе-восита шартнома тузиш, ми-грация хизматлари билан музо-каралар ўтказиш ҳуқуқи бери-лади. Бу филиаллар раҳбарла-ри вилоят ҳокимининг ёрдам-чиси ҳисобланади.

Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш бе-рувчилар билан музокара ўт-казиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва сугурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст став-када кредитлар ажратиш бўй-ича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг шу йил 11 ав-густда қабул қилинган қарори-да аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хо-рижий тилларга ўқитиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Йиғилишда мазкур қарорнинг амалий жиҳатлари тўхталиб ўтилди. Жумладан, чет элда ишлашни истаган фуқарола-рининг малакасини ошириш, бу-нинг учун касб-хунарга ўқитиш марказлари, махсус курслар ва мономарказлар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Бу масалалардаги ўқув дастур-лари, малака кўникмаларини хорижий иш берувчиларнинг талаби-га мослаштириш муҳим-лиги таъкидланди.

Меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини сугурталаш учун Хориждаги фуқароларни ҳимоя қилиш жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Шунингдек, чет эллардаги меҳнат миграциясига оид тар-тиб-таомилларни фуқаролари-миз учун энгиллаштириш, юртдошларнинг кўп ишлайди-ган шаҳарларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ва-колатхоналарини очиб бўйича топшириқлар берилди. Хориж-даги фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, бу бўйича онлайн платформа ва “кол-марказ” ташкил этиб, ма-лакали адвокатларни жалб қилиш вазифалари кўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз элчихоналари ўзга давлатлардаги ватандош-ларимиз диаспоралари билан

алоқаларни мустаҳкамлаш лозимлигини алоҳида таъкидла-ди. Юртпарварлик, меҳр-оқибат ҳисси билан хориждаги фуқа-роларимизга ёрдам бериб ке-лаётган шахсларни эътироф этиш, давлат мукофотлари би-лан тақдирлаш бўйича тақлиф-лар билдирилди.

Чет элда меҳнат қилаётган-ларни Ватани билан боғлаб ту-радиган энг катта восита ма-даният эканини инобатга олиб, улар учун шундай тадбирларни кўпайтириш бўйича кўрсатма-лар берилди. Шунингдек, теле-видеода Ўзбекистон элчихона-лари ва консулликларининг халқ хизматидаги фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазириликга ҳоким-ликлар билан бирга хорижда ишлашга кетган юртдошлар-нинг оиласидан доимий хабар олиб, ота-онасининг соғлиги, фарзандларнинг ўқиши ва бошқа эҳтиёжларига кўмаклашиш ва-зифаси кўйилди.

Хорижда ишлаб, малака ортти-риб қайтган фуқароларнинг тад-биркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидлан-ди. Шу мақсадда улар билан манзилли ишлайдиган, молия-вий қўллаб-қувватлайдиган ти-зим яратилиши белгиланди.

Бунинг учун сектор раҳбар-лари, меҳнат ва маҳалла идо-ралари вакиллари ўз ҳудудда-ги шундай ташаббускорлар рўйхатини шакллантириб, улар-нинг бизнес лойиҳаси билан танишди. Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия

берилади. Шунингдек, тадбир-корликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича сугурта полиси харажат-ларининг бир қисми қоплаб бе-рилади. Бу мақсадларга Банд-ликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала — хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳ-нат стажини ҳисобга олиш ти-зимига атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхат-га олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрант-лар учун ҳам татбиқ этиш бўй-ича кўрсатма берилди.

Бош вазир ўринбосарлари-га ташкиллашган миграция бўйича иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак ти-зимини жорий этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда мамлакатимизда касб ва тилга ўргатиш, хорижда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, йўлқира, патент, сугурта, пен-сия ва кредит масалалари қам-раб олинади. Шунингдек, ҳуку-матлараро комиссиялар доира-сида хориждаги юртдошлари-мизга муносиб шароит яратиш, чет элдаги банклар орқали уларни кредитлаш механизмла-ри назарда тутилди.

Йиғилишда белгиланган ус-тувор вазифалар юзасидан му-тасадди вазирилик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, элчилар ахборот берди.

Ў.А.

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

#### «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 11 июнда қабул қилинган Қонундан 2020 йил 7 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги УРҚ–154-сон Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 190-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, 2-сон, 47-модда, 5-сон, 267-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқланди (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунирилишини таъминлади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтган кунга кирди.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 17 август  
№ УРҚ–633

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

#### Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **воғга етмаган шахс савдоси** — «одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида воғга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга қарши равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади;

**келиб чиқиш мамлақати** — ҳудудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиш амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат; **мажбурлаш** — мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишига ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришига мажбурловчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундовчи мақсадаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий эърозлар ёки уларни қўллаш таҳдиди;

**одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари билан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш ёки улардан шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташвиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фойдаланишдан фойдаланишни ёки улардан шахснинг фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнати ёки хизматларини, қўлликни ёхуд қўлликка ўхшаш одаларни, эркинлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англатади;

(Давоми 2, 3-бетларда.)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг

#### ҚАРОИ

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хоразм вилоятининг мавжуд саноат ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш, ҳудудга инвестицияларни кенг жалб этиш ва инфратузилмани такомиллашти-риш ҳамда бу орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини оши-риш мақсадида:

1. Қуйидагилар: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ-нинг «NBU Invest Group» МЧЖ, «Ўзсано-атқурилишбанк» АТБнинг «PSB Capital» МЧЖ ҳамда «Асака» АТБнинг «Asaka Capital Invest» МЧЖ инвестиция ком-паниялари таъсисчилигида «Khorazm Invest Project» МЧЖ инвестиция компанияси (кейинги ўринларда —

инвестиция компанияси) ташкил этил-ганлиги;

Хоразм вилоятидаги инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асо-сларини ишлаб чиқиш, лойиҳаларни амалга оширишга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш инвестиция компаниясининг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги;

инвестиция компаниясининг ус-тав фонди дастлаб 30 миллион АҚШ доллари эквиваленти микдо-рида шакллантирилганлиги, кейин-чалик инвестиция компаниясининг ус-тав фонди инвестиция компанияси таъ-сисчиларининг қўшимча ҳиссалари ва (ёки) жамиятга қабул қилинадиган учин-чи шахсларнинг ҳиссалари ҳамда қонун-чиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари

эквиваленти микдоригача кўпайтирили-ши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар: Хоразм вилоятида 2020 — 2022 йил-ларда амалга ошириладиган уму-мий қиймати 2,2 триллион сўмлик 84 та инвестиция лойиҳаси-нинг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Хоразм вилоятида амалга оширила-диган умумий қиймати 516,8 мил-лион долларлик 26 та истикболли инвестиция лойиҳасининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо ва-зирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойи-ҳаларини ишлаб чиқиш маркази: **уч ой муддатда қарорнинг 2-ило-васидаги истикболли 26 та йирик инвестиция лойиҳасининг бизнес-**

режаларини халқаро стандартлар асо-сида ишлаб чиқсин;

Хоразм вилоятининг туман ва шаҳар-ларига белгиланган тартибда бирикти-рилган Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда ис-тиқболли инвестиция лойиҳаларига хо-рижий инвестициялар жалб қилиниши-ни таъминласин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Инвести-циялар ва ташқи савдо вазирилик, те-гишли тармоқ корхоналари билан бир-галикда 2021 йил 1 апрелга қадар ис-тиқболли 26 та йирик инвестиция лойи-ҳаси билан бир вақтда Хоразм вилоя-тининг ҳар бир туманида қўшимча янги саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилишини таъминласин.

(Давоми 3-бетда.)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида (янги таҳрири)

◄(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

**одам савдосидан жабрланган шахс** – одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-эتماганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс;

**одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш** – жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;
**одам савдосига қарши курашиш** – одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият;

**одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс** – дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс;

**одам савдоси билан шугулланувчи шахс** – мустакil равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибida одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гариш ўз мансаб ваколатларига кўра тўқсинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса-да, одам савдосига тўқсинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс.

**4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари**

Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:
конунийлик;
одам савдоси билан шугулланувчи шахслар жавобгарлигининг мўқаррарлиги;
одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
ижтимоий шериклик.

**5-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:
одам савдосига қарши курашишга, шу жумладан одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
одам савдосининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, профилактикага чора-тадбирларини, ахборотга оид чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
одам савдосини ўз вақтида аниқлаш ва унга чек қўйиш, унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек одам савдоси билан шугулланувчи шахслар жавобгарлигининг мўқаррарлиги принципини таъминлаш;
одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан ижтимоий ҳимоя қилиш;
одам савдосига қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, конференциялар, семинар-тренинглар ва давра сўхбатлари ўтказишга доир фаолиятни, шунингдек ушбу соҳадаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш;
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

**2-бoб. Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар**

**6-модда. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия (бундан буён матнда Миллий комиссия деб юритилади) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегial органдир.
Миллий комиссиянинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши шарт, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса тавсиявий хусусиятга эга.

Миллий комиссия:
Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан иборат.
Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиядан иборат.
Миллий комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

**7-модда. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссиялар**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия (бундан буён матнда ҳудудий комиссия деб юритилади) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий коллегial органдир.

Ҳудудий комиссияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлардаги (шаҳарлардаги) фаолиятини ташкил этиш тартиби Миллий комиссия қарори билан белгиланади.

**8-модда. Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи (бундан буён матнда Миллий маърузачи деб юритилади) ҳар йили одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича юзага келадиган вазият ҳамда қўринадиган чоралар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тақдим этадиган, шунингдек улар тўғрисида жамоатчиликни ва халқаро ҳамжамиятни баҳардор этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари учун брифинглар ташкил этадиган, Ўзбекистон Республикасининг маъзур соҳадаги миллий манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя қиладиган ваколатли шахсдир.

Миллий маърузачининг вазифаларини Миллий комиссия раиси бажаради.

Миллий маърузачи барча ахборот манбаларидан фойдаланиш, шунингдек одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи тегишли давлат органларидан, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларидан ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

одам савдосига қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
одам савдосидан жабрланганларни дастлабки ва яқуний идентификация қилишни амалга ошириш, шунингдек одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтириш тартибини тасдиқлайди;
одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш мақсадида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятини ташкил этади;
одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартибини тасдиқлайди;

давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашишга доир ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни беvosита амалга оширувчи давлат органлари куйидагилардан иборат:
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фoш этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, шу жумладан замонавий технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этади ҳамда амалга оширади, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;
одам савдоси билан шугулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлини амалга оширади;
одам савдоси билан шугулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот тақдим этади;
оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади;
одам савдосига қарши курашиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган тадбирларни амалга оширади;
одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда икроси этилиши устидан назоратни амалга оширади;
одам савдосига қарши курашиш соҳасида терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;
одам савдосига қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва конунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғиботда иштирок этади;
одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистик ҳисобини амалга оширади;
одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳларнинг одам савдоси билан шугулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;
халқаро террорчилик ташкилотлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширувни ҳамда дастлабки терговни ўтказади;
Ўзбекистон Республикасининг Давлат chegarасини одам савдоси билан шугулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради;
одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонликка, мажбурий меҳнатга ва камситишга, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бўзилишига дучор этилган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағларсиз ҳолсини фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилады, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатади;
одам савдосидан жабрланганларни ишга жойлаштириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жойлаштиришга доир фаолиятни амалга оширувчи, шу жумладан хорижда амалга оширувчи юридик шахслар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилады;

одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш вувоҳомаси бўлган фуқаролари бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширади;
одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг Ўзбекистон Республикасига қайтишига кўмаклашадди, уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни консуллик ййғимларини ва бошқа ййғимларни ундирмасдан расмийлаштиради;
зарур ҳолларда, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;
одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади;
одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади;
одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни дастлабки идентификация қилишни амалга оширади;
одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;
одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширадиган давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек фуқаролар:
одам савдосига қарши курашишда давлат органларига кўмаклашиши ва зарур ёрдам кўрсатиши;
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

одам савдосига қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этиши;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиши;
одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилишининг ҳар қандай босқичида иштирок этиши;
одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этишда кўмаклашиши;
одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича марказларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, одам савдосига нисбатан жамиятда муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритиши мумкин.

Давлат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг одам савдосига қарши курашиш бoрасидаги кўмагини қонун ҳужжатларига мувофиқ қўллаб-қувватлайди.

**3-бoб. Одам савдоси профилактикаси**

**18-модда. Одам савдосининг олдини олиш**

Одам савдосининг олдини олишга доир чора-тадбирлар куйидагиларни ўз ичига олади:
фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириши;
одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида маъзур соҳадаги фаолиятнинг доимий мониторингини амалга ошириши;
одам савдосидан жабрланганлар тўшиб қолиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар ҳақида, давлат ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар томонидан тақдим этиладиган ҳимоя чоралари тўғрисида, одам савдосига қарши курашиш учун давлат томонидан қўриладиган жиноий ва маъмурий тасъир чоралари ҳақида жамиятнинг баҳардорлигини ошириши;
туристик фаолиятни, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига доир талабларни белгилашни;

Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларида ва нодавлат таълим ташкилотларида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқишни ва амалга ошириши;

одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўришни.
Одам савдосининг олдини олиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**19-модда. Маълумотларнинг ягона ахборот базаси**

Одам савдосига қарши самарали курашишни таъминлаш, одам савдоси билан шугулланувчи шахсларнинг жиноий фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ҳамда тегишли ахборотни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси (бундан буён матнда маълумотлар базаси деб юритилади) яратилишини ташкил этади.

Маълумотлар базасига:
давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида;
тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувни, дастлабки терговни ва суд муҳокамасини амалга ошириш натижасида;
Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросидан;
тезкор алоқа, ишонч телефонлари орқали ва бошқа манбалардан олинган ахборот киритилади.
Маълумотлар базасига куйидагилар тўғрисидаги ахборот киритилади:
одам савдоси билан шугулланувчи шахслар ҳақидаги;
одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ахборот – аёллар ва болалар ҳақидаги ахборот алоҳида ажратилган ҳолда, шунингдек уларга кўрсатилган ёрдам натижалари ҳақидаги;
фойдаланиш турлари, жиноят содир этиш усуллари тўғрисидаги ва бошқа ахборот.
Маълумотлар базасига киритилган ахборот махфий

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

**5-боб. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш**

**25-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар**

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганлари қўлай яшаш шaroитлари ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганлари, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва tibбий буюмлар билан таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларга шошилинч tibбий, психолог, ихтимоий, ҳуқуқий ёрдам ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларнинг қариндошлари билан aloқа ўрнаттишига кўмаклашиш;
- одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларга ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитациясига ва мослашувига кўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

**26-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви**

Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви уларни нормал ҳаёт тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш даврида моддий ёрдам кўрсатиши;
- вакциналик уй-жой, озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари билан, зарур ҳолларда эса кийим-бош, пойабзал ва бошқа энг зарур ашёлар билан таъминлаши;
- ишга жойлашишда, таълим олишда, касбий жиҳатдан йўналтиришда ва касбга тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатиши;
- ихтимоий жиҳатдан қайта интеграцияга, шу жумладан қариндошларини излашида ёрдам кўрсатиши;
- ихтимоий реабилитация ва мослашув, шахсларнинг одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларга такоран жалб этилишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган дастурларни ташкил этишини.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланадиган одам савдосидан жабрланганлар билан ишлашга доир якка тартибдаги режа асосида амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг жиноят процессида иштирок этишни рад қилиши уларни ихтимоий реабилитация ва мослашув пайтига қадаб ёрдам олишга бўлган ҳужудан маҳрум этмайди.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**27-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлиги чоралари ва уларга тақдим этиладиган бошқа кафолатлар**

Одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни топиш мақсадида ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга «Жабрланувчиларни, гувоҳлари ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфсизлик чоралари таъминланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ одам савдосидан жабрланган деб тан олинган чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилмайди.

Агар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ деб тан олинган бўлса ёхуд тегишли органларга одам савдосида гумон қилинаётган шахсни топишда ёрдам кўрсатаётган бўлса, одам савдосида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жиноят иши бўйича қарор чиқарилишига қадар ушбу чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан чиқариб юбориш чора-тадбирлари терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган мансабдор шахсининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра қўлланilmайди.

Одам савдосидан жабрланганларни келиб чиқиб мамлакатига ёки ўзлари доимий яшайдиган давлатга қайтариш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурилов ёки таҳдид остида содир этилган қилмишлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади.

**28-модда. Одам савдосидан жабрланганлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги**

Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганлар тўғрисидаги ва уларга нисбатан содир этилган ҳолатлар ҳақидаги ахборот, шунингдек кўрилатган хавфсизлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди.

Оммавий ахборот воситалари одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахсининг шахсини тўғридан-тўғри ёки билвосита кўрсатувчи маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этишга, одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсга нисбатан эса ота-онасининг ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахсларнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

**29-модда. Одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар**

Одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, шу жумладан уларнинг таъминоти, уларни келиб чиқиб мамлакатига ёки ўзлари доимий яшайдиган давлатга қайтариш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва реабилитацияси билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

**6-боб. Вояга етмаганлар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**30-модда. Вояга етмаганлар савдоси профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари**

Вояга етмаганлар савдоси профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- болаларни тарбиялаш борасидаги ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлашни;
- гайриқиймий ҳаёт тарзини кеңираётган oilаларни ва давлат ҳимоясига муҳтож болаларни уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида аниқлашни;
- болалар уйларининг ва туғруқ комплексларининг фаолияти мониторингини.

Вояга етмаганлар савдоси профилактикаси қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа тадбирлари ҳам ўз ичига олиши мумкин.

**31-модда. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсини, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсни идентификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсини, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсини идентификация қилиш махус хўжозланган ҳолада, қайд этишининг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда, қонуний вақил ва (ёки) ҳомийлик ҳамда васийлик органининг вақили ҳозирлигда, руҳшунос албатта иштирок этган ҳолда, шунингдек вояга етмаган шахсининг жинси, ёши ва бошқа ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Вояга етмаган шахсни одам савдосидан жабрланган ҳамда одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган шахс деб топиш тўғрисидаги қарор, унинг розилигидан қатъи назар, қабул қилинади, ун олти ёшга тўлган вояга етмаган шахсга нисбатан эса унинг ихтиёрий розилиги билан, қонуний вақилининг ва (ёки) ҳомийлик ҳамда васийлик органи вақилининг, тегишли ихтисослаштирилган муассаса вақилларининг мурожаати асосида қабул қилинади.

**32-модда. Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсини, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсни ҳимоя қилиш ва унга ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кафолатланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг болалар ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатларини тартибга солувчи халқаро шартномалари асосида ҳуқуқ ҳамда эркинликлар таъминланади.

Агар одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсининг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсининг ёши номаълум бўлса, бироқ у ўн саккиз ёшга тўлмаган деб таҳмин қилиш учун объектив асослар мавжуд бўлса, бундай шахсининг ҳақиқий ёши узил-кесил аниқлангунига қадар унга ушбу моддада ва бошқа қонун ҳужжатларида одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларга, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсларга ёрдам кўрсатиш учун назарда тутилган ёрдам берилмайди.

Одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахс, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахс ихтисослаштирилган муассасаларга катталардан ажратилган ҳолда жойлаштирилиши керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахсларга, одам

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ҚАРОИ

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган бўш турган ер участкалари ҳисобидан кенгайтирилаётган ҳудудларини 3-иловага мувофиқ тасдиқлаш;

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудлари бoш режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК” давлат унитар корхонасини буюртмачи этиб белгилаш;

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилотини танлов асосида танлаш тўғрисидаги таклифлари маъқулласан.

5. “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари 4-иловага мувофиқ бириктириلسин.

Мазкур қарорнинг 4-илоvasига мувофиқ “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг бўш ер майдонларига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Франция, Испания, Италия, Латвия, Польша ва Туркия давлатларидаги элчихоналари Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасида янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузурдада юридик шахс ташкил этмасдан Инфратузилма жамғармаси ташкил этилсин ва қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

- давлат, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- халқаро молия институтлари томонидан ажратиладиган грант ва кредит маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Инфратузилма жамғармаси маблағлари “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида инфратузилма қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади.

7. Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Хоразм вилоятидаги тадбиркорлик йўналишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва ушбу лойиҳаларни амалга оширишни тадбиркорларга таклиф этсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб экспорт катновларда Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳри ўртасида экспорт қилувчиларга темир йўл юк катнови тарифларига 50 фоиз чеғирма жорий этсин.

9. Хоразм вилояти ҳокимлиги:

а) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий

тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида замонавий рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр sanoат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич жойлаштириш чораларини кўрсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-санoат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда:

Хоразм вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал-хом ашё, қишлоқ хўжалиги ресурслари ва инфратузилмани инoбатга олган ҳолда, “Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида замонавий рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр sanoат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг тадбиркорлик субъектлариغا мунтазам равишда етказилишини таъминласин;

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектлари жалб этилиши ҳамда инвестиция буюртманомаларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин;

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ишлаб чиқаришлари ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш бўйича тегишли чораларни кўрсин;

в) Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши билан келишган ҳолда вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан “Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси Дирекцияси” ДУКга келгуси йилларда ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш шарти билан 2020-2021 йиллар даврида сақлаш харажатлари учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш учун инвестиция компаниясига 10 йил муддатда 2,5 фоиз ставкасида 13 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағлар ажратилсин.

“Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг кенгайтирилган ҳудудларида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастури 5-иловага мувофиқ ушбу бандга асосан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

11. Белгилансинки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағларни сўндиришда “Хазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш харажатлари тегишли равишда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан мутаносиб равишда ажратилган ер майдони кўлампидан келиб чиқиб босқичма-босқич қопланади, сўндириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда инвестиция компанияси томонидан қайтарилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли ўринбосари Н. Қ. Холмуродов ва Хоразм вилояти ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Ш. О. Тўлаганов Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш ва ўз муддатда қайтарилиши учун масъулдилар.

12. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, “Асака” АТБ, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Марказий банк билан биргаликда инвестиция компаниясининг низоми ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий aloқалар масалалари бўйича сўрашлари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирли С. У. Умурақов — қарор ижросини тармок ва ҳудудларда самарали ташкил этсин ҳамда мувофиқлаштириб бoрсин;

ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Н. Арзиев — Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига чет эл инвесторларининг жалб қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарининг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин;

транспорт вазирли ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раиси Х. Н. Хасилoв — Хоразм вилоятидан республиканинг бошқа ҳудудларига темир йўл транспортли орқали юк ташқи хизматлари бўйича муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишини таъминласин;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Б. Воитов — Хоразм вилоятининг ҳар бир тумани kesимида амалга оширилаётган sanoат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши ва экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини таъминласин;

Хоразм вилояти ҳокими Ф. У. Эрманов — ҳудудни ихтимоий-иқтисодий ривожлантириш, sanoат корхоналари ва янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А. Н. Арипов вазирлигига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрда ва 2021 йилнинг ҳар чорали якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 17 август

савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахсларга давлат таълим муассасаларида таълим олиш, oilаси ёки қариндошлари билан aloқа боғлаш имконияти таъминланади.

Агар одам савдосидан жабрланган вояга етмаган шахслар, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётган вояга етмаган шахслар қонуний вақилларининг ҳомийлигисиз қолган бўлса ёки уларнинг турган ери тўғрисида хабардор қилинмаган бўлса, ота-онасини ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахсларни ёхуд бошқа қариндошларини қидириш чоралари кўрилади.

**7-боб. Юқунловчи қондалар**

**33-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро шартномаларини, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларнинг ихтимоий реабилитацияси ва мослашуви масалалари бўйича халқаро шартномаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тузишни ташкил этиш;
- одам савдосининг ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш мақсадида чет давлатларнинг ихтисослаштирилган ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, шу жумладан тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш;
- одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган тезкор хабардор қилишнинг, таъсир чоралари кўришининг ва назорат қилишнинг ахборот тизимларини ва воситаларини биргаликда яратиш ҳамда ривожлантириш;
- одам савдосига қарши курашиш соҳасида тажриба алмашиш;
- Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари чет давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориш ва уларнинг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга.
- Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар одам савдосининг олдини олиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириши мумкин.
- Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишга, шу жумладан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш марказларини ташкил этиш воситасида қарши курашишга қаратилган халқаро техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шаклида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**34-модда. Одам савдосига қарши курашишга доир тадбирларни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш**

Одам савдосига қарши курашишга доир тадбирларни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганларнинг ўз зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

**35-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Келажагини, одамларнинг эртанги ҳаётини ўйлаган мамлакат асло ютқазмайди. Зотан, ҳар бир давлат истиқболни ана шу одамлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, бугун фуқароларга муносиб турмуш кенчириш, ишлаш ёки ўқиш учун қўлай шарoит яратиш келажакка қўйилган қадамдир.*

### Муносabat

Айтиш керак, юртимизда бу борада таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эътибордан нафақат Ўзбекистонда яшаётган, балки хориж мамлакатларида меҳнат қилаётган фуқароларимиз ҳам баҳраманд бўлаётгани эса янада қувонarli. Кеча давлатимиз раҳбари раислигида хорижда ишлаётган ҳуқароларга муно-

**Нозим ФУҚАРОВА, Ўзбекистон Республикаси бандли ва меҳнат муносабатлари вазирли**

— Йигилишда меҳнат муҳожирик тизимини янгитдан ташкил қилиш бўйича бир қатор топшириқлар берилди

# ХОТИРЖАМЛИККА АСЛО ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Коронавирус тарқалишининг олдини олишда бир томонлама курашиб, яъни фақатгина давлат идоралари саъй-ҳаракатлари билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир фуқаро карантин талабларига амал қилиши, ўзи ва оиласининг саломатлиги учун масъулиятни зиммасига олиши керак. Шу боис пандемия шароитида ишлашга ўрганишимиз, бунинг учун белгиланган карантин қоидаларига қатъий риоя қилишимиз, илгари йўл қўйган хатоларни такрорламаслигимиз талаб этилади.

## Маҳаллий Кенгашларда

Кеча онлайн тарзда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида юқоридаги фикрлар ўртага ташланди. Виллоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим бошқармалари раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, тегишли ташкилот ҳамда муассаса мутасаддилари иштирокида мавжуд вазият танқидий-таҳлилий ўрганилди.

Сессияда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева онлайн тарзда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Барчангизга маълумки, бугунги кунда коронавирус билан курашиш барча давлатлар олдидagi энг долзарб муаммо бўлиб турибди, — деди Сенат Раиси. — Бу муаммо энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам издан чиқарди. Мамлакатимизда Юртбошимиз, қолаверса, Республика махсус комиссияси томонидан коронавирусга қарши курашиш борасида ўз вақтида қўрилган қатъий чоралар, белгиланган муҳим вазифалар, амалга оширилган тезкор тадбирлар туфайлигина пандемия салбий оқибатларининг олди олиниб, бу борадаги ишларимиз изга тушиб кетди. Хусусан, шу йил 12 август кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш топшириғи берилди. Аммо карантин қоидаларини юмшатиш дегани, бунинг буткул бекор қилинганини аниқламайди. Жумладан, жамоат жойларида

ниқоб тақиб юриш, ижтимоий масофани сақлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича чекловлар ўз кучида қолдирилди. Ўз навбатида, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳалар барқарор ишлашини таъминлаш ва бу орқали аҳолининг яшаш шароитини энгиллаштириш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Сессияда кун тартибидagi масалаларга танқидий руҳда ёндашилди, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар атрофида таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, карантин чекловлари юмшатиш бўлса-да, хотиржамликка асло йўл қўйиб бўлмастлиги қайд этилди. Тўй-хашамларни ўтказиш борасида жойлардаги раҳбарлар, маҳалла етакчилари зиммасига долзарб вазифалар юклаганили эслатилди. Қолаверса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган.

Шунингдек, сессияда виллоятда аҳоли бандлигини барқарорлаштириш, ҳукумат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қўрсатилаётган моддий ёрдамлар ўз эгаларига етиб боришини уълқуз таъминлаш лозимлиги ўқтирилди. Чунки бу борада хали-ҳануз салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

Сессияда сўзга чиққан виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг таъкидлашича, 20 августдан бошлаб виллоятдаги мавжуд буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари, йирик савдо дўконлари,

спорт заллари, фитнес клуб ҳамда бассейнлар ишлаб бўлмайди. Бу бир томондан ҳудуд инфратузилмаси фаолиятини жаддалаштирса-да, бошқа томондан муайян қўйинчиликлар туғдиради.

Таъкидланганидек, виллоятда доимий рўйхатда турувчи 5 439 фуқарода коронавирус касаллиги тасдиқланган бўлиб, улардан 4 849 нафари соғайган ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан тиббий назоратга келинган.

COVID-19 инфекциясига қарши курашиш мақсадида коронавирас касаллигига гумон қилинган шахслар учун 2 326 та провизор ўрин яратилган, унда ҳозир 668 нафар бемор даволанмоқда ва яна 1 311 та захира ўрин мавжуд.

Бугунги кунда виллоят бўйича карантин муассасалари ҳамда шахар, туманларда COVID-19 касаллиги профилактикаси, касалланган фуқароларни уй шароитида даволаш жараёнида жами 12 218 тиббиёт ходими фаолият олиб бормоқда.

— Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида доимий комиссия аъзоларидан иборат депутатлар гуруҳи коронавирас инфекцияси билан касалланган беморларни амбулатор шароитда аниқлаш, тахшиқ қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш жараёнида амалга оширилган ишларни ўрганиш юзасидан бир неча туман ҳамда шахарларда бўлди, — дейди С. Файзиева.

— Сектор раҳбарларининг иш жараёни аниқлашда, ҳали ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Сессияда виллоят ҳокими Р. Холматов кўрсатиб ўтилган камчилик ҳамда муаммолар юзасидан секторлар раҳбарлари ва депутатларга мурожаат қилиб, бу борадаги тадбирларда яқдил ҳаракат қилишга чакирди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ (Халқ сўзи).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

# НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ҲАҚИҚИЙ МАЙДОН

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва фракциялар раҳбарлари Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашди.



Давлат ва жамият бошқарувида, қонун ижодкорлиги жараёнида, умуман, барча соҳа ривожига ёшларнинг фикрлари ҳамда саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш учун ёшларга қўлба имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 2 март кунги давлатимиз раҳбарининг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини буйича Ҳаракатлар стратегиясини" "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёшларни қонун ижодкорлиги жараёнига янада кенгроқ жалб этиш мақсадида Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил қилинди.

11 мингдан зиёд ёшлар орасидан 250 нафар аъзо сайланди. Жараён демократик тамойиллар асосида, эркин рақобат муҳитида, қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтказилди.

Кеча Ёшлар парламенти аъзоларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан учрашуви ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ўз сўзида Ёшлар парламенти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда ёшларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисмига айланаётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ёшларни парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичига жалб этиш, қонун ижодкорлиги фаолияти сиёсий охириши юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда уларнинг фаолигини янада кучайтириш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқроқ ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

— Ёшлар парламенти, шунчаки, оддий тузилма эмас, балки ёшларимизнинг сиёсий фаолигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳақиқий майдондир, — деди Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов. — Навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини бойитиш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб этиш ҳамда йигит-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда Олий Мажлисга ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларига самарали ёрдам беради, деб ишонамиз. Шу ўринда биз Ёшлар парламенти фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш масаласига ўта жиддий ҳамда катта масъулият билан ёндашган ҳолда ҳамкорлик қилишга тайёриқ.

Спикер 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми "Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари" мавзусидаги нуфузли халқроқ

анжуманда Ёшлар парламенти аъзоларининг муваффақиятли иштирокини, мазкур форумда давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қизгин қўллаб-қувватланганлигини алоҳида эътироф этди.

Учрашувда Ёшлар парламенти аъзоларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари билан ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг қонунчилик ҳамда парламент назоратини амалга ошириш жараёнидаги иштирокини таъминлаш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир давомида Ёшлар парламенти аъзолари ўзларини қизиқтирган саволлар ва бир қанча амалий тақлифлари билан фаол иштирок этдилар.

Билдирилган тақлиф ҳамда тавсиялар асосида Ёшлар парламенти келгуси фаолиятининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

## Олий Мажлис Сенати

# АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СЕНАТОРЛАР ЭЪТИБОРИДА

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг ҳозирги ҳолати таҳлилий бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, тегишли мутасадди идоралар вакиллари, соҳа мутахассислари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.



# ИҚТИСОДИЁТ ВА ИЖТМОИЙ СОҲАЛАР БАРҚАРОР ИШЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 12 август кунги ўтказилган видеоселектор йиғилишида фуқаро ҳаёти ва соғлиғи ҳимоясини янада кучайтирган ҳолда, пандемия шароитида яшаш ҳамда ишлашда давом этиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш чораларини қўриш вазифалари белгилан берилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда республикамиз ҳудудларида карантин қоидалари босқичма-босқич юмшатиляпти.

## Сессия

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг видеоконференция тарзида ўтказилган навбатдаги сессияси ушбу масалага бағишланди.

Сессия ишида қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда виллоят фаоллари томонидан ҳудудда амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар тўлақонли таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида самарали бартараф қилиш борасида тақлифлар билдирилди.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Наримон Умаров виллоятда касалликдан соғайганлар унга чалинганлардан қўп эканлиги бепарволикка берилашга асос бўлмастлигини, фуқаролар турмуш шароити яшилганлиги ҳисобга олиниб карантин қоидаларининг юмшатилиши ҳар бир юрtdошимизга катта масъулият юкляётганлигини таъкидлади.

Виллоятда карантин қоидаларини босқичма-босқич юмшатиб боришда ҳар бир фуқаро соғлиғи ва ҳаёти учун курашини янада кучайтирган ҳолда, иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, сессияда Бухоро вилояти

соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илхом Нарзиёевнинг карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқаролар томонидан қатъий амал қилиниши лозим бўлган санитария талаблари бўйича аҳолига мурожаати ҳамда виллоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Сессияда жамоат жойларида, одамлар қўп йиғилайдиган масканларда, айниқса, оилавий тадбирлар, тўй-маррақалар ўтказилишида фуқароларнинг санитария талабларига риоя этиши устидан қатъий жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатили, бу борада тегишли ташкилотлар ҳодимларининг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

Бунда, энг аввало, фуқаролар орасида ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқоб тақиб, дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена талабларини ўз вақтида сўзсиз амалга ошириш, олдин йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариш зарурлиги қайд этилди.

Яқунда кун тартибида қўриб чиқилган масалалар юзасидан Бухоро вилояти Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Очигини айтиш керак, шундай даврлар бўлдики, мамлакатимиз аҳолиси орасида камбағаллик мавжудлиги, бунинг ортида эса ишсизлик, меҳнат бозорининг йўқлиги тургани, қолаверса, баъзи одамлар онгида боқимандалик кайфиятининг ўрнашиб қолганлиги тўғрисида гапирришга ҳам чўшиб келдик. Бу борадаги асл сабабларни, ҳақиқатни, адолатли ечимини аниглаб етиб чора қўришга ўзимизда куч топа олмадик.

## Фикр

Фаровон ҳаёт ҳақида улкан орзулар қўлиди, аммо унга эришиш учун ишланмадик. Бахт ва бойлик чинакам меҳнатнинг ортида туришини унутдик. Камбағалга қайишишни, йиқилган ни суяни эсимиздан чиқардик. Баъзида адолат мезонларини йўқотдик. Уларни тан олмадик. Ҳақиқат шунки, бунинг барчасига ўзимиз айбдор, сизу биз сабабчи эдик. Буларнинг барчаси жойларда рўй бераётган коррупция ҳолатларини қўриб туриб қурмаганликка олганимиз, адолат эгилган жойда томошабин бўлганимиз, таниш-билишчилик илдизига болта урилмаганимиз, ҳалол меҳнат қилганингиз қадрига етмаганимиз, фарзандлар ва эл-юрт тақдирига лоқайдлигимиз туфайлидир.

Энди бундай иллатларга йўл қўйиб бўлмастлигини бугун халқимизнинг ўзи тушуниб етмоқда. Соҳалардаги ислохотлар шиддати дўнқараганимизни, жамиятни ўзгаришга қўришга ҳам бор гап. Бугунги коронавирас пандемияси ҳам бошимизга синовлар келганида янада идрокли, кучли ва қудратлироқ бўлишимизга туртки берди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш юзасидан давлатимиз томонидан ўз вақтида қўрилаётган чоралар эса юртдошларимизга ҳақиқий далда бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу 11 август кунги қабул қилинган "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хўнарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қарорда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратган тадбиркорлик субъектларига кредит ва субсидиялар ажратилган бўлди. Ишсиз ҳамда банд бўлмаган аҳолини, шунингдек, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетган ва "labor-migration" дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ҳамда касб-хўнарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетишдан олдин давлат ёки нодавлат касб-хўнарга ўқитиш муассасаларига, ишлаб чиқаришининг ўзида ўқитиш учун ташкилот

ҳамда "Уста — шогирд" мактабларига Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда баъзавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратиш белгиланди. Бу, ўз навбатида, банд бўлмаган аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган ва юқори ҳақ тўланадиган, кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ҳамда банд бўлмаган аҳолини Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хўнарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг давлат ёки нодавлат касб-хўнарга ўқитиш муассасаларида, бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиш учун ташкилот ҳамда "Уста — шогирд" мактаблари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга оширилиши назарда тулувчи тақлифларга розилик берилиши иш излаб юрганларнинг малака ва кўникмаларини профессионал тарзда ошириш, демакки, меҳнат бозорига ўз ишининг усталари кирки келишига хизмат қилади.

Умуман айтганда, мазкур ҳужжат келгусида фуқароларимизнинг касб-хўнарни мукамил эгаллашлари, ўзларининг тадбиркорлик кўникмаларини оширишлари, тил ўрганишлари ва ўзлари учун энг муносиб иш топшилариди муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Зулайхо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

## ЭЪЛОН

**Тошкент кимё-технология институти**  
2020/2021 ўқув йили учун қуйидаги кафедралар мудириликга танлов асосида ишга тақлиф қилади:

1. Органик кимё ва асосий органик синтез технологияси.
2. Ноорганик моддалар кимёвий технологияси.
3. Биотехнология.
4. Саноат иқтисодиёти менежменти.
5. Ўзбек тили ва адабиёти.
6. Гўшт, сут ва консерва маҳсулотлар технологияси.
7. Энология, бижғиш маҳсулотлари ва алкоғолсиз ичимликлар технологияси.
8. Ноорганик, аналитик, физикавий ва коллоид кимё.

Танловда иштирокчининг илмий даражаси, чет тилини билиши ҳамда педагогик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади ва меҳнат шартномаси 2 йилга тузилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Тошкент кимё-технология институти биноси.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳорси келишилган нарҳда.

Газетани хандаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилиш

ISSN 0010-0788

Тахриратта келган қўёзмалар тақриб қилинмайди ва малағига қайтарилмайди.

Газетанинг маълум берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойкулов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исмаилов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6